

Жорий ТАЪМИРЛАШ БУЙИЧА ШАРТНОМА №7

«22»04. 2022 йил.

Кува тумани.

Умаржон Бинокор МЧЖ (кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш олиб боровчи рахбар Б.Бойқузиёев бир томондан ва Кува туман Халк талими булими (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш олиб боровчи рахбар Ф.Махсудов иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидаги мазмунда туздилар:

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

1.1. «Бажарувчи» буюртмага асосан қуйида кўрсатилган (спецификация ёки ҳисоб-фактурада кўрсатилган) хизматларни бажариб бериш, «Буюртмачи» эса бажарилган хизматларни қабул қилиб олиш ва ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятларини олади: **Халк таълими булими тасарруфидаги мактаблар иситиш тизимини жорий таъмирлаш .**

2. ТАЪМИНОТ ШАРТЛАРИ.

2.1. «Бажарувчи» хизматларни «Буюртмачи» буюртмасини олгандан сўнг 10 кун муддат ичида, буюртмада белгиланган ҳажмда амалга оширади.

2.2. «Буюртмачи» бажарилган хизматларни қабул қилган вақт хизмат бажарилган вақти бўлиб ҳисобланади.

2.3. Бажарилган хизматлар «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олингандан сўнг, хизматларга эгалик ҳуқуқи «Буюртмачи»га ўтади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. «Буюртмачи» бажарилган хизматларни белгиланган вақтга қадар 15 кун муддат ичида «Бажарувчи»га хизмат учун буюртмани қуйидагиларни кўрсатган ҳолда тақдим этади:

- бажарилиши керак бўлган хизматлар миқдори;
- хизматлар сифати;
- хизматлар ассортименти.

3.2. Бажарилиши керак бўлган хизматлар ассортименти, миқдори ҳамда таъминот муддатларини «Буюртмачи» мустақил равишда, ушбу шартноманинг тузилиши учун асос бўлган танлов (тендер) савдоси ташкил этиш комиссияси баённомасида кўрсатилган ёки комиссия томонидан қўйилган шартлардан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

3.3. «Бажарувчи» томонидан хизматлар бажарилмай қолганда, бажарилмаган миқдордаги хизматни, кун муддат ичида ёки «Буюртмачи» билан келишилган ҳолда, шартнома амал қилиш муддатида, кейинги етказиб берилиши кўзда тутилган маҳсулотларга қўшиб етказиб бериш мажбуриятини олади.

3.4. «Бажарувчи» томонидан бажариш муддатлари ўтказиб юборилган хизматларни «Буюртмачи» уни оғохлантирган ҳолда қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.

3.5. «Бажарувчи» томонидан бажарилган хизматлар сифати талабга жавоб бермаслик ҳолатларида «Буюртмачи» қуйидаги талабларни қўйиш ҳуқуқига эга:

- харид нархларини (бажарилган сифатсиз хизматлар қиймати билан сифатли хизматлар қиймати ўртасидаги фарқига) камайтириш;
- сифатсиз хизматларни «Бажарувчи» ҳисобидан сифатли хизматларга кун муддатда бажариб бериш.

3.6. Агар «Бажарувчи» ушбу шартномада белгиланган миқдордаги хизматни бажармаса ёки «Буюртмачи»нинг сифатсиз хизматларни алмаштириб бериш ҳақидаги талабларини белгиланган муддатларда бажармаса «Буюртмачи» шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

4. ХИЗМАТЛАР БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

4.1. Шартноманинг умумий қиймати 308 000 000 (уч юз саккиз миллион) сум ташкил этади.

4.2. Хизматлар учун тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.3. Буюртмачи шартнома умумий суммасининг 30 % ни аванс тарикасида шартнома тўлик қучга қирган кундан бошлаб 20 банк иш куни мобайнида, қолган 70 % яъни белгиланган ишлар ва хизматлар тўлик бажарилгандан сўнг, бажарилган иш ва хизматлар тўғрисида бажарилган ишни қабул қилиш далолатномаси ёки ҳисоб фактура қабул қилган кундан бошлаб, 20 банк иш куни давомида бажарувчининг банк ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

4.4. Агар давлат назорат органлари томонидан утказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган ёки бажарилган иш ва хизматлар учун белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Бажарувчи» зиммасидан қопланади.

4.5. Шартнома суммасидан ортик иш ва хизматлар бажарилганда («Буюртмачи» оғохсиз бажарилганда) ҳисоб-китоб «Буюртмачи» томонидан амалга оширилмайди.

5. ХИЗМАТЛАР СИФАТИ.

5.1. «Бажарувчи» бажариладиган хизматларнинг талаб ва стандартларга мос келишини қафолатлайди.

5.2. «Буюртмачи» сифатсиз ва яроқсиз хизматларни қабул қилмайди.

6. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА КАБУЛ ҚИЛИШ.

6.1. Бажарилган хизматни қабул қилишда «Буюртмачи» ушн микдори, сифати, ассортименти ва руйхатини «Бажарувчи» томонидан бажарилган хизмат амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (хисоб-фактура), ушбу шартнома ҳамда буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги юзасидан текшириб олади.

6.2. Хизматларни қабул қилиш якуни буйича «Буюртмачи» қабул қилиш далолатномаси тузили. «Буюртмачи» томонидан Далолатноманинг имзоланиши қабул қилинаётган хизматнинг текширилганлигини билдиради.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБИ АРЛИ И.

7.1. «Бажарувчи» хизматларни бажаришда Шартноманинг 2.1-бўлимда белгиланган шартларни бузганда, яъни хизматларни бажариш муддатларини кечиктириб юборса, тулик бажармаса, «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ортмаслиги керак.

7.2. «Бажарувчи» томонидан бажарилган хизматларга оид тулов ва хизмат амалга оширилганлиги тугрисидаги бошқа ҳужжатлар уз вақтида, яъни хизмат билан бирга «Буюртмачи»га тақдим этилмаса, ҳар бир ҳолат учун бажарилаётган хизматлар қийматининг 1 фоизи микдорида жарима тулайди.

7.3. «Бажарувчи» томонидан хизматлар уз вақтида ва белгиланган талаблар асосида бажарилганда «Буюртмачи» уларни асоссиз равишда қабул қилмаса, қабул қилинмаган хизматнинг 5 фоизи микдорида жарима тулайди.

7.4. Бажарилган хизматлар учун «Буюртмачи» томонидан уз вақтида туловлар амалга оширилмаса, яъни ушбу Шартноманинг 4.4-бўлими бузилганда, тулов кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тулайди. лекин туланадиган пенялар умумий суммаси кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизи микдорида ошиб кетмаслиги керак.

8. ФОРС-МАЖОР.

8.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, узгартириш ва бекор қилиш вақтида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тугрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик судида қуриб чиқилади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР.

10.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб « 31 » декабр 2022 йилгача амал қилади.

10.2. Шартномага узгартиришлар ва қушимчалар тарафларнинг келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади ва имзоланади.

10.3. Шартнома Газначилик бўлими томонидан руйхатдан ўтганидан сунг тулик қучга эга деб хисобланади.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

«БАЖАРУВЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

Умаржон Бинокор МЧЖ

(етказиб берилган ном)

Манзила: Қува т. Туркировот

Тел/факс

х/р 20208000405328961001

Қува Қишлоқ қурилиш банк

МФО 00867 ИНН 308092940

Қува тумани ХТБ

(бюджет ташкилотининг номи)

Манзила: Адиблар кучаси 3-уй

Тел/факс

ш/х 100022860302187092100075075

ИНН 200173674

ОКОНХ 97600

Модия вазирлиги Газначилиги

Марказий банк Тошкент ш

ХККМ МФО 00014

х/р 20402000300100001010

ИНН 20132919

Раҳбар: Ф.Махсудов



Б.Бойкузиев

Ф.И.О.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**
GK12847347

1.Loyihaning turi Buyruq

2.Loyihaning nomi Yuqori turuvchi tashkilotlarning ko'rsatma va topshiriqlarini ijrosini ta'minlash to'g'risida

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:Quva tumani Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan, 2022-yil 21-aprel kuni dasturga kiritilgan.

4.Loyiha bo'yicha taklif:

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

XULOSA:

Ushbu Buyruq O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida o'quvchilarning yakuniy nazorat imtihonlarini tashkil etish va o'tkazish to'g'risida 70-sonli buyrug'i va viloyat xalq ta'limi boshqarmasining 54-sonli buyrug'iga asosan, ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti

B.Abdujabborov



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ФАРҒОНА VILOYATI
ФАРҒОНА SHAHRI
“ФАРҒОНА КЛИЕР ЭКСПЕРТИЗА”
“МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FARG'ONA SHAHRI
“FERGHANA CLEAR EXPERTIZA”
MA'SULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

Фаргона вилояти, Фаргона шаҳри, А.Яссавий кўчаси 42-уй, 13-хонадон, Х/Р: 2020 8000 1052 6820 2001
МФО 00498, ИНН 307656515 АТВ “Туронбанк” Фаргона филиали Гувоҳнома рақами №КЛЭ-00015
13.11.2020 йил

27.04.2022 й
№ 5

Фаргона вилояти Кува тумани
бўйича Ғазначилик бўлинмаси
бошлиғи ў.Салимовга

АЛОҚА ХАТИ

Ушбу билан “FERGHANA CLEAR EXPERTIZA” МЧЖ Сизга шуни маълум қиладики “SHARQ QURILISH BULDING” МЧЖ томонидан тайёрланган Фаргона вилояти “Кува тумани Халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактабларни иситиш тизимларини, бошқа иншоотларини ва биноларини жорий таъмирлаш ишлари” смета хужжатлари “FERGHANA CLEAR EXPERTIZA” МЧЖ томонидан кўриб чиқилган ҳамда ижобий хулосалар тақдим қилинган. Ушбу смета хужжатлари Вазирлар маҳкамасининг 17.09.2021 йилдаги 579-сонли қарорига асосан 1 тоифадаги объектлар туркимига мансуб бўлиб, берилган экспертиза хулосалари Ягона давлат реестри reestr.mc.uz га рўйхатга киритилганини маълум қиламиз.



“FERGHANA CLEAR EXPERTIZA”

МЧЖ Фаргона шаҳри

CLEAR
EXPERTIZA

M. Mamadaliyev

М. Мамадалиев



Бом санъат

Хулоса реестрлари

Экспертлик ташкилотлари

Қўғалмақ

Ҳужжатлар

Реестр ҳақида

Кабинетга кириш

Showing 81-120 of 2,252 items

Реестр рақами	Ишончсизлик объекти	Экспертлик ташкилоти	Бўғалмақ	Экспертликдан ўтказуви ташкилот	Экспертликдан ҳулоса рақами
---------------	---------------------	----------------------	----------	---------------------------------	-----------------------------

Фарғона вилояти

20274	ЧП "FERGHANA CLEAR"	Ишончсизлик объекти	FERGHANA CLEAR EXPERTIZA	Фарғона вилояти	№ 34071
20276	"Ferghana clear expertiza"	Ишончсизлик ҳулосаси	"FERGHANA CLEAR EXPERTIZA"	Фарғона вилояти	№ 34071
20277	Grafika al-hider XK	Ишончсизлик ҳулосаси	FARG'ONA VILOYAT MO'LIIYA BOSHQARMASI	Фарғона вилояти	№ 34105
20199	"VODIY MO'LIIY PROEKT" MOK	Ишончсизлик ҳулосаси	VODIY MO'LIIY PROEKT	Фарғона вилояти	№ 55030
20363	«Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Қўғалмақ МФЙ Лойиҳадан кўча рақамсиз уйда турар жой би»	Ишончсизлик ҳулосаси	"FARGONA DARANT LOYIHA-SERVIS" XK	Фарғона вилояти	№ 50-03/22-02
20362	Марғилон шаҳар "Киргули" м.ф.й. Киргули кўчаси 48-уйни реконструкция қилиш	Ишончсизлик ҳулосаси	"FARGONA DARANT LOYIHA-SERVIS" XK	Фарғона вилояти	№ 50-03/22-01
20379	Оптикани туманида кўча чироқларини жорий таъмирлаш ҳамда қушимча безак чироқлари ўрн	Ишончсизлик ҳулосаси	ООС"Фарғона Архитек Сан'ат Мухаммад Тармоқ Лойиҳа"	Фарғона вилояти	№ 28-2/01-22